

Қ А Р О Р  
(маъмурий назорат ўрнатиш ҳақида)

2026 йил февраль ойининг 13 куни жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи Э.Ш.Олмосов, судья ёрдамчиси С.А.Ҳамидовнинг котиблигида, Пайариқ туман ИИБнинг муқаддам судланган Маматов Жасур Каюмовичга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги тақдимномаси билан танишиб чиқиб қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Маматов Жасур Каюмович, 1984 йил 8 июль куни Самарқанд вилояти Пайариқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2017 йил 12 декабрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 25,273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2020 йил 18 декабрдаги ажрими билан ўталмай қолган 2 йил 11 ой 24 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан иш ҳақининг 10 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2023 йил 16 январдаги ажрими билан ўталмай қолган 11 ой 17 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган, Пайариқ тумани “А.Яссавий” маҳалла фуқаролар йиғини “А.Темур” кўчаси 15-уйда яшайди.

Маматов Жасур Каюмович муқаддам жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2017 йил 12 декабрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми ва 25,273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2020 йил 18 декабрдаги ажрими билан ўталмай қолган 2 йил 11 ой 24 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан иш ҳақининг 10 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг 2023 йил 16 январдаги ажрими билан ўталмай қолган 11 ой 17 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддасига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинган.



Такдимномада, Маматов Жасур Каюмович муқаддам содир этган ўта оғир жинояти учун судланиб, жазони ўтаб чиқиб ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, бир йил ичида икки марта ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилганлиги сабабли унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш лозимлиги сўралган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган Маматов Жасур Каюмович ўз кўрсатувида, муқаддам ўта оғир жиноят содир этганлиги учун судланганлиги, судланганлик ҳолати тугалланмаганлиги, у томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги туман ИИБ ходимлари томонидан аниқланганлиги, бундан кейин ҳуқуқбузарлик содир қилмаслигини билдирди.

Суд мажлисида сўроқ қилинган А.Хасанов ўз кўрсатувида, Пайариқ туман ИИБ ХПБ профилактика инспектори лавозимида ишлаши, Ж.Маматов муқаддам ўта оғир жиноят содир этганлиги учун судланганлиги, Ж.Маматов 2025 йил 12 декабрь куни жамоат жойларида алкоголь маҳсулотини истеъмол қилганлиги аниқланиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 187-моддаси 1-қисми асосида маъмурий баённома расмийлаштирилиб, 206.000 сўм жарима жазоси тайинланганлиги, бундан ташқари 2026 йил 13 февраль куни жамоат жойларида тамаки маҳсулотини истеъмол қилганлиги аниқланиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 56<sup>1</sup>-моддаси асосида маъмурий баённома расмийлаштирилиб, 137.500 сўм жарима жазоси тайинланганлиги, Ж.Маматов номуносиб турмуш тарзи кечириб келаётганлиги сабабли туман ИИБ бошлиғи томонидан унга нисбатан маъмурий назорат ўрнатишни сўраб судга такдимнома киритилганлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси 3-хатбошисида “жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга нисбатан – судланганлик ҳолатининг тугатилиши ёки судланганликни олиб ташланиши муддатлари доирасида ички ишлар органининг бошлиғи томонидан ушбу шахслар жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилганидан кейин бир йил ичида икки ёки ундан кўпроқ маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлигидан далолат берувчи материаллар асосида” судга такдимнома юборили лозимлиги кўрсатилган, ушбу Қонуннинг 6-моддасида “8-модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда оғир ёки ўта оғир жиноят содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган вояга етган шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилади” деб кўрсатилган.

Суд, ушбу такдимномани ўрганиб чиқиб, Маматов Жасур Каюмович жазони ўтаб чиққанидан сўнг ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, жамоат жойларида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги сабабли келгусида уни бирон-бир жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш ҳамда унга нисбатан яқка тартибда профилактик таъсир кўрсатиш лозимлигини инобатга олиб, Маматов Жасур Каюмовичга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддаларини қўллаб суд,



## Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Пайариқ туман ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қисман қаноатлантирилсин.

Маматов Жасур Каюмовичга нисбатан 6 (олти) ой муддатга маъмурий назорат ўрнатилсин ва унга қуйидаги маъмурий чекловлар ўрнатилсин.

1) Ҳар ойнинг 20 куни соат 18:00га қадар Пайариқ туман ИИБдан рўйхатдан ўтиб туриш белгилансин;

2) Кеч соат 22:00дан эрталаб соат 06:00гача яшаш уйидан чиқиш;

3) Пайариқ туман ИИБни рухсатисиз Самарқанд вилояти худудидан чиқиш таъқиқлансин.

Қарорни ижро қилишлик ва унга бўйсунмаслик оқибатларини тушунтириш Пайариқ туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Қарордан норози томонлар 10 кунлик муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилояти судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:  
Нусхаси аслига тўғри.

(имзо)

Э.Ш.Олмосов

